

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти Ягона акциядорининг 3-сонли қарори

2021 йил 12 майдаги

Тошкент шаҳри

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 984 790 095 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу карор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 58-моддасига асосан қўйидаги масалалар юзасидан қабул килинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини текшириш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ микдори ва чегарасини белгилаш.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устав фондини камайтириш.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрдаги Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва киритилаётган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича 2020 йилнинг ноябр ойида танлов эълон қилинган.

Танловда иштирок этиш учун 7 та аудиторлик ташкилотидан, яъни «NAZORAT AUDIT» МЧЖ, «MARIKON AUDIT» МЧЖ, «HLB Tashkent» МЧЖ, «Balans Inform AUDIT» МЧЖ, «GLOBAL AUDIT» МЧЖ, «AUDIT-KANON» МЧЖ ва «XB FINANSE KONSULTING» МЧЖлардан аризалар келиб тушган.

«Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов комиссияси тарафидан аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган таклифлар уларнинг бозордаги фаолияти даври, малака сертификатига эга бўлган аудиторлар сони, ҳалқаро сертификатларнинг мавжудлиги, аудитор ташкилотлари рейтингидаги ўрни, энергетика соҳасидаги корхоналарда ўтказилган аудиторлик текширувлар тажрибаси ва аудит ташкилотида ACCA ва DipFR мутахассислари мавжудлиги меъзонларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганиб чиқилиб, Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувани ўтказиш ва Вазирлар

Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарорига мувофиқ самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) ҳисобланишини баҳолаш бўйича аудит ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тавсия этилган.

Ушбу масала “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 30.11.2020 йилдаги мажлисида кўриб чиқилиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувани ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарорига мувофиқ самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) ҳисобланишини баҳолаш бўйича аудит ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тавсия этилган. Бунда ушбу аудиторлик ташкилоти хизматлари учун тўланадиган энг кўп хақ миқдори 136,0 млн. сўм қилиб белгилаш бўйича тавсия қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қиласди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 30.11.2020 йилдаги 3-сонли мажлис баённомаси тавсияларидан келиб чиқиб, Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти ва молиявий ҳисботлари юзасидан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувани ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарорига мувофиқ самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) ҳисобланишини баҳолаш бўйича аудит ўтказиш учун «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансан.

2. «HLB Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хизматлари учун тўланадиган энг кўп хақ миқдори 136,0 млн. сўм қилиб белгилансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 марта ГПҚ-4249-сон қарорининг 3-бандида ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган активлар ва улушларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланс қиймати бўйича Давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ улушкини камайтириш ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида хозирги кунга қадар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидағи 7 та корхонага тегишли (“Навоий ҲЭТК” АЖга тегишли 3 та жами қолдиқ баланс қиймати 12 571 993 000,0 сўмлик, “Жиззах ҲЭТК” АЖга тегишли 4 та жами қолдиқ баланс қиймати 4 963 407 732,65 сўмлик, “Тошкент ҲЭТК” АЖга тегишли 6 та жами қолдиқ баланс қиймати 8 516 664 762,88 сўмлик, “Сирдарё ҲЭТК” АЖга тегишли 6 та жами қолдиқ баланс қиймати 4 170 520 437,23 сўмлик, “Андижон ҲЭТК” АЖга тегишли 1 та қолдиқ баланс қиймати 15 020 000,0 сўмлик, “Самарқанд ҲЭТК” АЖга тегишли 1 та қолдиқ баланс қиймати 70 000 000,0 сўмлик ва “Қашқадарё ҲЭТК” АЖга тегишли 2 та жами қолдиқ баланс қиймати 89 954 900,0 сўмлик) умумий қолдиқ баланс қиймати 30 397 560 832,76 сўмлик активлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигига ва унинг тегишли худудий бошқармаларига топширилган.

Ўз навбатида Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 17.08.2020 йилдаги 3990/03-08-сонли хати билан қисқа муддатларда вилоят худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Агентликка топширилган активларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисобига уларнинг устав капиталидаги “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ улушкини камайтириш ва ушбу ишлар амалга оширилгандан сўнг “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини камайтириш бўйича кўрсатма берилган.

Давлат активларини бошқариш Агентлигининг мазкур кўрсатмаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг сентябр - декабр ойлари давомида юқорида қайд этилган 7 та худудий электр тармоқлари корхоналари устав капиталида “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг улushi миқдорини камайтириш ишлари амалга оширилиб, Капитал бозорини ривожлантириш Агентлигининг тегишли худудий бошқармалари томонидан акцияларни бекор қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Хусусан, “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг улushi қуйидаги миқдорларда жами 30 397 561 750,0 сўмга камайтирилди:

- “Навоий ҲЭТК” АЖ устав капиталида 12 571 993 000,0 сўмга;
- “Жиззах ҲЭТК” АЖ устав капиталида 4 963 408 000,0 сўмга;
- “Тошкент ҲЭТК” АЖ устав капиталида 8 516 664 700,0 сўмга;
- “Сирдарё ҲЭТК” АЖ устав капиталида 4 170 521 050,0 сўмга;
- “Андижон ҲЭТК” АЖ устав капиталида 15 020 000,0 сўмга;
- “Самарқанд ҲЭТК” АЖ устав капиталида 70 000 000,0 сўмга;
- “Қашқадарё ҲЭТК” АЖ устав капиталида 89 955 000,0 сўмга.

Ушбулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорининг 3-банди ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида ҳамда 7 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Давлат активларини бошқариш Агентлигига топширилган активларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисобига уларнинг устав капиталидаги “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ улushi камайтирилганлигини инобатга олиб, ушбу активларнинг умумий қолдиқ баланс қиймати суммасига “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини камайтирилиши зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади**:

1. “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ устав фонди миқдори 30 397 560 800,0 сўмга камайтирилсин ва Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, Жамият устав фондини камайтирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2019 йилдаги ПҚ-4249-сонли қарорига биноан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ таркибидағи 7 та корхона томонидан Давлат активларини бошқариш Агентлигига топширилган активлар эвазига “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини камайтириш

хисобига Жамият томонидан илгари чиқарилган оддий акциялар сонини кисқартириш йўли билан амалга оширилсин.

2. Акцияларнинг бутлигини саклаш мақсадида Давлат активларини бошқариш Агентлигига топширилган мулклар ва устав фондини камайтирилаётган қисми суммаси ўртасидаги 32 сўм 76 тийин миқдоридаги фарқ Жамият устав фондини кейинги оширилиши ёки камайтирилишида инобатга олинсин.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги устав фонди миқдори 8 468 081 448 700,0 сўм (хар бирининг номинал қиймати 100,0 сўмдан бўлган 84 680 814 487 дона акцияларга бўлинган) этиб белгилансин.

4. Белгилаб қуйилсинки устав фондини камайтирилиши муносабати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ уставига киритилаётган ўзгартиришлар тифайли Жамиятнинг янги таҳридаги Устави “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил ноябрда Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни тегишли давлат органида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг тасдиқланади.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устав фонди миқдори Давлат активларини бошқариш Агентлигига топширилган активлар эвазига давлат улушини камайтириш ҳисобига Жамият томонидан чиқарилган оддий акциялар сонини кисқартириш йўли билан амалга оширилаётганлиги боис “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг амалдаги рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорларидан бирига қўшимча чиқарилаётган акциялар сонини камайтириш бўйича ўзгартиришлар киритилиши зарур ҳисобланади.

“Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари” (Адлия вазирлигидан 30.08.2009 йилда 2000-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон (RU103P0896T7) билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядори, қарор қиласи:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритилсан ва киритилаётган ўзгартиришлар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисига (У.Мустафоев), Жамиятнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матнини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсан.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари

О.Насритдинходжаев